

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Янгиқўрғон туман мактабгача таълим  
бўлими мудири

М.Жўрабоев



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Янгиқўрғон -2022 й

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Наманган мактабгача таълим бошқармаси тасарруфидаги Янгиқўрғон туман МТБ га қарашли таълим муассасаларига кўмир ташиш хизмати  
Юк миқдори (кг)- 9900  
кг баҳоси -9500 сўм

Танлов охириги қиймати — 94 050 000 сум. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Бажариладиган иш турлари техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб жорий йилнинг 1-сентябрь ойига қадар.

1.5 Ишларни бошлаш муддати— шартнома тузилган санадан бошлаб ҳисобланади.

### 1. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

Янгиқўрғон туман мактабгача таълим бўлими (бундан кейин-”Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

”Буюртмачи” манзили: Янгиқўрғон тумани Булокбоши МФЙ Заркент кўча 1-уй

”Буюртмачи” вакилининг алоқа телефони: Бухгалтерия ҳисоби ва Давлат харидлари бўлими ҳисобчиси Т.Юлдашева тел: 94-152-90-50

Янгиқўрғон туман мактабгача таълим бўлимининг харид комиссияси ишчи орган ҳисобланади.

Танлов ҳужжатлари қонунда белгиланган беш кишидан кам бўлмаган харид комиссияси томонидан баҳоланади.

### 2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади: Танлов предмети қийматини камида 20 фоизи миқдоридаги айлама маблағга эгаллиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фойздан кам бўлмаган ҳолда); Низом маблағи миқдори

Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштирилиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### 3.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

Электрон танловда иштирокчилар узларини танлов таклифларини электрон шаклда шахсий кабинетларидан белгиланган муддатдан кечикмай беришлари лозим.

- Танлов учун таклифлар ва унга иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар ”Буюртмачи” ва

”Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

Электрон танлов иштирокчиси бир дона лот учун бир дона танлов таклифи бериш ҳуқуқига эга.;

- Электрон танлов иштирокчиси такдим этилган маълумот ва ҳужжатлар ҳақиқийлиги ва ишончлилигига жавобгарликни олади.

- Электрон танлов иштирокчиси таклиф бериш муддати тугагунча берилган таклифни бекор қилиш ёки унга ўзгартириш киритиш мумкин.

- Электрон танлов иштирокчиси электрон система орқали танлов таклифлари элонда кўрсатилган муддати ва вақти келгандан сўнг тугатилади.

- Танлов таклифини бериш билан биргаликда иштирокчи танловни барча шартларига кўнганлиги ва танлов бўйича ҳеч қандай келишмовчилик ва шикоятлари йўқлигини аниқлатади

#### 4. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

Зарур ҳолларда буюртмачи танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиши мумкин. Танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш бўйича қарор танлов таклифлари бериш муддати тугашига қадар бир иш куни қолганда қабул қилиниши мумкин. Танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш жараёнида маҳсулот (иш, хизмат) ёки унинг хусусиятлари ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди. Таклиф бериш муддати тугамасдан танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритилган тақдирда, танлов ўзгартириш киритилган кундан уч иш кундан кам бўлмаган муддатга узайтирилади.

Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Давлат харидлари туғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### 6. БОШҚА ШАРТЛАР

Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш туғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қадар бир иш кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қадар уч иш кунга ўзайтирилиши керак.

Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эшонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қадар икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Харид комиссияси мажлиси баёни – электрон шаклда тузилади ҳамда икки иш кунида муҳокама даврида туради.

Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эшон қилингандан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш туғрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.